

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ПЎЛАТОВ УЛУҒБЕК СУНАТОВИЧ

**РЕВМАТОИД АРТРИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
АНЕМИЯНИНГ КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИГА
ГАПТОГЛОБИН ФЕНОТИПЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Пўлатов Улуғбек Сунатович

Ревматоид артрит билан касалланган беморларда анемиянинг кечиши ва даволаш самарадорлигига гаптоглобин фенотипларининг таъсири.....

3

Пулатов Улуғбек Сунатович

Влияние фенотипов гаптоглобина на течение и эффективность лечения анемии у больных ревматоидным артритом.....

25

Pulatov Ulugbek Sunatovich

Effect of gaptoglobin phenotypes on the course and efficiency of anemia treatment in patients with rheumatoid arthritis.....

45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

48

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ПЎЛАТОВ УЛУҒБЕК СУНАТОВИЧ

**РЕВМАТОИД АРТРИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
АНЕМИЯНИНГ КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИГА
ГАПТОГЛОБИН ФЕНОТИПЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.4.PhD/Tib1072 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шодикулова Гуландом Зикрияевна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Алиахунова Мавжуда Юсуповна тиббиёт фанлари доктори, профессор Ахмедов Холмурод Садуллаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темура кўчаси 18-уй. Тел/факс: (+99866) 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темура кўчаси 18-уй. Тел/факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор



Д.Т. Рабимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори



Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда ногиронликнинг олдини олиш мақсадида ревматоид артрит (РА) касаллиги бутун жаҳон илмий жамоатчилигининг эътибори қаратилган касалликлардан бири. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра "...РА умумий касалликлар тузилмасида учинчи ўринни эгаллайди ва беморларнинг доимий ногиронлигига олиб келади..."¹. Ўз вақтида қўлланилган стандарт даво муолажаларига қарамасдан касаллик бошланганидан 20 йил ўтгач, беморларнинг 60-90% меҳнат қобилиятини йўқотади ва уларнинг учдан бир қисми тўлиқ ногирон бўлиб қолади. РА беморларда ҳаёт давомийлиги аёлларда 3 йилгача, эркакларда 7 йилгача қисқариши кузатилади. Бу касаллик ҳисобига келиб чиқадиган иқтисодий йўқотишлар юрак-қон томир касалликларидан кейинги ўринда туради. РА беморларда анемиянинг учраши касалликнинг оғир кечиши аспекти, бўғим функцияси бузилишининг эрта ривожланиши замонавий диагностика ва даволаш усулларини такомиллаштириш бугунги кунда тиббий ва ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда РА касаллигида гуморал ва хужайравий иммунитет тизимини ўрганиш ушбу касалликнинг эрта босқичларида ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг камровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қатор илмий тадқиқотлар РА билан касалланиш аҳоли орасида анемиянинг кенг тарқалишининг асосий сабабларидан бири эканлигини кўрсатган бўлиб, беморларда гаптоглобин фенотипларини аниқлаш касалликнинг асоратларини эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш, клиник кечишини башоратлаш, шунингдек, оғирлик даражасига таъсир қилувчи хавф омиллар, бўғимлардаги эрозив-деструктив ўзгаришларни патогентик механизмларини очиқ бериш, коморбид ҳолатлари ва уларнинг клиник кўринишлар билан боғлиқлигини асослашга бағишланган. РА ва анемия мавжуд беморларда касаллик кечиши ва анемия даражасининг оғирлиги гаптоглобин фенотиби билан боғлиқлигини, хавф омиллар, коморбид ҳолатлар, клиник-биокимёвий ва рентгенологик кўринишлар орасида сезиларли ўзаро муносабатларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли ревматологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...Ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва

¹ World Health Organization. Musculoskeletal conditions. 8 February 2021 Available from: <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/musculoskeletal-conditions>

шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда РА негизида анемия мавжуд бўлган беморларда гаптоглобин кўрсаткичларини эрта диагностика мақсадида аниқлаш ва самарали даволаш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий жаҳон адабиётида ревматоид артрит бириктирувчи тўқиманинг сурункали тизимли аутоиммун яллиғланиш касаллиги бўлиб, асосан, периферик бўғимларнинг авж олиб боровчи эрозив - деструктив полиартрити кўринишида кечади (Гадаев А.Г. 2020). Анемия РАда учрайдиган энг кенг тарқалган коморбид ҳолатлардан биридир. РА билан касалланганлар орасида турли турдаги анемиялар кузатилиб, унинг касалланиш даражаси ўртача 51% ташкил этади (Бенца Т.М. 2015). ЖССТ томонидан РА беморларда анемия турлари ва даражаларига баҳо беришнинг бир қанча мезонлари ишлаб чиқилган. Шунга қарамай, ҳар бир ирқ учун анемиянинг гаптоглобин фенотипларига хос ўзгаришларига баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга заруратнинг мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Қатор тадқиқотлар РА билан касалланиш аҳоли орасида анемиянинг кенг тарқалишининг асосий сабабларидан бири эканлигини кўрсатди. РА ва анемия билан оғриган беморларда терапевтик тактиканинг баъзи масалалари ҳали ҳам очиклигича қолмоқда (Ключкова-Абельянц С.А., Суржикова Г.С. 2019). Сурункали касалликлар анемияси учун танлов терапия бўлиб, анемияга олиб келган асосий касалликнинг клиник кўринишларини камайтириш ҳисобланади (Мадун А.Дж., Угхасоро М.Д. 2017). Шундай қилиб, РА билан оғриган

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

беморларда яллиғланишга қарши дори воситалар билан самарали даволаш уларда сурункали касалликлар анемиясини коррекцияси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий касалликни самарали даволаш имконияти бўлмаса, муқобил вариантлар кўриб чиқилади. Сурункали касалликлар анемияси келтирадиган касалликлар фонида темир препаратлари билан даволаш масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда (Osman K.S., Aly L.H., El-Hamid W.M.A., Tawfik M.R. 2014). Бундан ташқари, гидроксил радикаллар ҳосил бўлишида иштирок этиб, темир турли тўқималарнинг, жумладан эндотелиал дисфункциянинг шикастланишига, юрак-қон томир асоратлари хавфини ортишига олиб келиши мумкин (Sabau A., Valeanu M., Bolosiu H.D., Craciun A.M. 2013). Темир препаратларини тавсия қилиш ҳам бир қанча саволлар туғдиради, чунки сурункали яллиғланиш фонида оксил гепсидин секрецияси натижасида ичакда темир сўрилиши бузилади (Smugnova G. 2014).

РА гетероген касаллик ҳисобланиб, фақатгина 10% беморларда кўзиш даврининг камдан кам эпизодлари билан, яъни яхши сифатли моноциклик кечади. Учдан икки қисм беморларда эса касаллик секин, аммо зўрайиб боровчи, тўлиқ бўлмаган ремиссия ҳамда тез-тез авжланиш билан кечади. Қолган беморларда эса бўғимларнинг кўп сонли ва оғир зарарланиши тез ривожланиб, ички органлар функциясини бузилиши ҳисобига ўлимга олиб келувчи касалликнинг «ёмон сифатли» варианты шаклланади (Edwards CJ, Fautrel B, Schulze-Koops H, Huizinga TW, Kruger K. 2017). Шунинг учун РА фаолиятини аниқлаш учун ҳозирги вақтда бир нечта кўрсаткичларни бир вақтнинг ўзида рўйхатдан ўтказишга асосланган комплекс ёндашувдан фойдаланиш одатий ҳолдир.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда РА касаллигининг иш қобилияти юқори бўлган аҳоли орасида кўпайиши, иш қобилияти пасайиши, ногиронлик кўрсаткичининг ошишига, беморларнинг ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши ревматологиянинг энг долзарб ва тўлиқ хал этилмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. РАнинг генетик аспектлари тўлиқ ўрганилмаганлиги ва анемиянинг эрта ривожланиши, даволашнинг оптимал усулини танлашнинг етишмаслиги, коморбид ҳолатларнинг кўшилиб кечиши касалликни оғирлик кўрсаткичини анча мураккаблаштиради. РА билан касалланган беморларни замонавий даволаш усулларидан фойдаланишга қарамай, ишга лаёқатли аҳоли орасида анемиянинг учраши, исталмаган асоратлар ва ногиронлик частотаси жуда юқори бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012000260 «Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш» (2018-2021 йй) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ревматоид артритда анемия структураси, унинг юзага келиш сабаблари, прогностик аҳамияти ва гаптоглобин фенотипларини эътиборга олган ҳолда мутаносиб даволаш тамойилларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматоид артритга чалинган беморларда анемияни учраш даражасини ва клиник – лаборатор кўрсаткичларни турли фенотипдаги гаптоглобин тизимига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

ревматоид артритга чалинган беморларда анемиянинг структурасини аниқлаш мақсадида қон зардобидида темир, трансферрин ва ферритин миқдорини баҳолаш;

ревматоид артрит анемия билан кечганда яллиғланиш маркёрлари ЦЦПА, СРО ва гаптоглобин кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш;

гаптоглобиннинг турли фенотипларига мансуб беморларда анемия синдромини РА клиник кечиши ва прогнозига таъсирини аниқлаш;

гаптоглобиннинг турли фенотипларига мансуб беморлар қонида темир, трансферрин ва ферритин миқдоридидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб РАнинг стандарт давосига қўшимча муқобил усулларни танлаш ва тадбиқ этиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2020 йилларда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси кардиоревматология бўлимида ревматоид артрит ташҳиси билан даволанган жами 214 нафар беморлар ҳамда назорат гуруҳ 20 нафар нисбатан соғлом кишилар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ревматоид артрит ташҳиси билан даволанган беморларда умумклиник, биокимёвий, иммунологик ва феррикинетиқ тадқиқотлар учун вена қони ва зардобини олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, тиббий-ижтимоий, гематологик, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритда темир алмашинуви кўрсаткичлари эркин темир, трансферрин миқдорининг камайиши ва ферритин миқдорининг ортиши касаллик фаоллиги даражасига бевосита боғлиқлиги аниқланган;

темир танқислиги ва сурункали касалликлар анемияларининг қўшилиб келиши беморларда гематологик индекснинг чуқурроқ ўзгаришлари, бўғимларнинг яллиғланиш жараёни ва касаллик давомийлигининг анемияни оғирлик даражаси билан корреляцияси асосланган;

РА ва анемия мавжуд беморларда Нр 2-2 фенотипи мавжудлиги касаллик фаол кечиши ва оғир даражада анемия келтириб чиқариш эҳтимолини ошириши асосланган;

ревматоид артрит билан оғирган анемияси мавжуд беморларда Нр 2-2 фенотипини хисобга олган ҳолда яллиғланишга қарши даво самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолашиб, касалликнинг белгилари камайишига олиб келиши аниқланган;

РА беморларда анемиянинг турли вариантларини эрта ташхислаш темир танқислик анемиясининг эрта белгиси ферритин ва трансферрин даражаси, сурункали касалликлар анемиясида эса СРО ва гемоглобин кўрсаткичи ўзгаришлари билан беморларда юқори ассоциацияси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

гаптоглобиннинг турли фенотипларига мансуб беморларда анемия синдромини РА клиник кечиши ва прогнозига таъсирини аниқлаган;

РА беморларда анемия турини аниқлаш учун гемоглобин ва СРО, темир танқислик анемия шаклини аниқлаш учун феррокинетика кўрсаткичларини мезон қилиб олиш тавсия этилган;

РА ва анемия кечишини башорат қилиш мезонлари такомиллаштирилган, бу эса бирламчи звеноларда эрта ташхислаш имконини берадиган дастур, самарали даво комбинацияларини қўллаш ҳамда соғлом турмуш тарзига тарғиб қилувчи алгоритм ишлаб чиқилган;

анемия билан кечган ревматоид артрит клиник кечиши оғирлигини башорат қилувчи омили сифатида Нр 2-2 фенотипининг аҳамияти аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, феррикинетик, инструментал усуллар, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларни қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти РА беморларда хавф омилларининг роли, уларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар, беморларда сурункали касалликлар анемияси ҳамда темир танқислик анемияси ривожланишининг механизмлари ва ташхислаш мезонларни ишлаб чиқилиши, анемия ривожланишида ўткир яллиғланиш оқсилларини аҳамияти, ҳамда гаптологин фенотипга боғлиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти РА беморларда анемиянинг турларини ривожланишида нафақат ўткир яллиғланишли оқсиллар балки феррокинетик кўрсаткичлар аҳамиятлилиги, анемия турини ва даражасини белгилашда ишлаб чиқилган дастур, биокимёвий ва инструментал технологиялардан фойдаланган ҳолда, касалликни даволашда самарали усулларни танлаш бирламчи соғлиқни сақлаш тизимида вақтида ногиронликнинг олдини олишда, даволашни танлаш учун зарур бўлган дори воситаларини анъанавий давога қўшиш тавсия этилганлиги беморларда ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ревматоид артрит билан касалланган беморларда анемиянинг кечиши ва даволаш самарадорлигига гаптоглобин фенотипларининг таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

касалликнинг хавф омилларини коморбид ҳолатларини вақтида аниқлаш, РА ва анемия бирга кечганда касаллик кечиши, ҳамда бўғимнинг функционал ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ревматоид артрит ва анемияни гаптоглобин полиморфизмига боғлиқ ҳолда эрта ташхислаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 8н-р/327-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ревматоид артрит ва анемияни гаптоглобин полиморфизмига қараб эрта ташхислаш, ногиронликни камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш билан биргаликда касалликнинг асоратларини камайтириш имконини берган;

ревматоид артрит ва анемияни гаптоглобин полиморфизмига қараб эрта даволашда организмнинг ўткир фаза оксиллари ва феррокенитик кўрсаткичларига асосланган ҳолда такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Жиззах ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8н-д/266-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, эрта ташхислашни, касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни профилактикасини оптималлаштиришга, ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 5 та мақола, улардан 3 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб

берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Анемия билан асоратланган ревматоид артрит ривожланишининг этиопатогенетик механизмлари ва даволашга замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Адабиётлар мушоҳадасида тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда дунёдаги ва Ўзбекистондаги ревматоид артрит билан касалланган беморларда анемиянинг келиб чиқиш муаммоси ва расмий статистика маълумотлари таҳлили ўтказилган. Ўтказилган тадқиқотлар унинг патогенезида цитокинлар ва бошқа яллиғланиш омилларининг фаоллашувини исботлади. Бу жараёнлар нафақат бўғимларни яллиғланишига, балки бошқа аъзо ва тизимларнинг шикастланишига ҳам олиб келади. Жумладан, РАда ривожланадиган анемия синдромининг ривожланишидир. Аммо клиник амалиётга янги самарали дори воситаларни тадбиқ этилишига қарамасдан уларнинг самарадорлигининг сустлиги айниқса анемия синдроми кузатилганида яққол намоён бўлади. Бу эса РА беморларни, айниқса анемия синдроми билан кечганида, уни эрта ташхислаш ва самарали дори воситаларини амалиётга тадбиқ этишини талаб қилади. Юқорида қайд этилганлар бизнинг изланишимизни мақсадини белгилади.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва қўлланилган усулларнинг тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида клиник материаллари тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари тўлиқ баён этилган. Тақдим этилган тадқиқот 2016-2020 йиллар давомида РА билан касалланган 214 беморни текшириш ва кузатишда олинган маълумотларга асосланган. Тадқиқот Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонасида кардиоревматология бўлимида ўтказган. Назорат гуруҳини 20 нафар шартли соғлом одамлардан иборат. Барча беморлар икки гуруҳга: биринчи гуруҳ (солиштира гуруҳ) 50 нафар РА мавжуд беморлар, иккинчи гуруҳ (асосий гуруҳ) 164 нафар РА ва анемия мавжуд бўлган беморлар гуруҳига ажратилди.

РА ташхиси Америка ревматологлар ассоциацияси (АРА)/Европа ревматизмга қарши лигаси (EULAR 2016) томонидан қабул қилинган асосий мезонларга асосланган ҳолда тасдиқланган. Беморларни текшириш умумий қабул қилинган клиник, лаборатор ва инструментал усуллар ёрдамида амалга оширилган. Бўғим синдромнинг микдорий кўрсаткичларидан қуйидагилар: оғриқ индекси (балл билан), эрталаб қотишиш давомийлиги (дақиқада), артикуляр индекс (балл билан), П. Ли тести (балл билан) ва қўлларнинг манипуляция қобилияти (% билан) аниқланган. Касалликнинг фаоллик даражаси ҳамда бўғим синдромининг яққоллик даражаси оғриқли ва шишган бўғимлар сони, DAS 28 ва CDAI индекси билан, бўғимлардаги оғриқ эса 100-миллиметрли визуал аналогик шкала (ВАШ) ёрдамида баҳоланган.

РА касаллиги учун аҳамиятли бўлган лаборатор (умумий қон таҳлили, қондаги РО, СРО, ЦЦПА (циклик цитруллин пептидга қарши антитана), ферритин, трансферин, эркин темир, гаптоглобин миқдори ва фенотиплари) ва инструментал (рентген, УТТ ва МРТ) текширувлари гуруҳларда ўтказилган.

Анемияни даволаш мақсадида биз унинг келиб чиқиш негизига ва анемиянинг даражасига кўра даво муолажаларини олиб бориш учун асосий гуруҳдаги беморларни 3 та кичик гуруҳларга бўлдик: ПА кичик гуруҳи РА+СКА мавжуд 83 нафар бемор, ПВ кичик гуруҳи РА+ТТА мавжуд 52 нафар бемор, ПС кичик гуруҳи 29 нафар антианемик даво муолажаларини қабул қилмаган беморлар.

Олинган маълумотларга ишлов бериш персонал компьютернинг Microsoft Excel дастурли пакети ҳамда “STATISTICA 6.0” дастурли пакети ёрдамида таҳлил этилди. Тавсифий статистика усуллари ўз ичига меъёрий тақсимланишга эга бўлган белгиларнинг ўртача арифметик (M), ўртача қиймат хатоси (m) ҳамда ўртача квадратик оғишни (σ) олди. Диссертация ишида биз томондан олинган натижалар фарқини ишонарлилик даражасини текшириш мақсадида ҳисоблар ўтказилди. Ушбу текширув учун Манн-Уитнинг нопараметрик U-мезонлари, t-Студентнинг параметрик мезонидан фойдаланилди. Қийсланаётган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ эҳтимоли 0,05 кам бўлса статистик жиҳатдан ишонарли ($P < 0,05$) деб ҳисобланди. Қийматларнинг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш мақсадида корреляцион таҳлил усулидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ревматоид артрит билан касалланган беморларда анемияни ривожланиши**» деб номланган учинчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчисида ревматоид артрит билан касалланган беморларнинг клиник тафсифи келтирилган. Иккинчи бўлимида ревматоид артрит билан касалланган беморларда анемиянинг турлари ва даражасини касаллик кечишига таъсири тўғрисида бўлса, учинчи бўлимида эса ревматоид артрит беморларда гаптоглобин шаклига кўра касалликни кечишини баҳолаш ҳақида келтирилган.

Ревматоид артритни 214 нафар беморларда кечишини таҳлил қилиш уларнинг барчасида касалликнинг секин ривожланиш босқичи, полиартритлар мавжудлиги, ҳамда 127 (59,3%) нафар беморларда ревматоид омилнинг мавжудлигини кўрсатди. Беморларнинг ўртача ёши $49,46 \pm 0,80$ йилни ташкил қилиб, шулардан 61 нафари (28,5%) эркак ва 153 нафари (71,5%) аёллар бўлди. Кузатув гуруҳларидаги беморларда касаллик давомийлиги 1 йилдан 25 йилгачани ташкил қилиб, ўртача $8,3 \pm 0,71$ йил бўлди. Тадқиқотдаги РА беморларнинг атиги 73 нафарида (34,1%) касаллик давомийлиги 5 йилгача, 5 йилдан 10 йилгача - 91 нафарида (42,5%), ва 10 йилдан ортиғи – 50 нафар (23,4%) беморларда кузатилди (1 жадвал). Тизимли ўзгаришлар бўлган беморлар тадқиқот гуруҳидан чиқарилди, касалликнинг фақатгина бўғим шакли бўлган беморлар кузатилди. Кузатувдаги беморларда бўғим синдроми билан бир қаторда умумий ҳолсизлик (88,3%), жаклдорлик, уйку ва диққат бузилишлари (36,9%), кўзғалувчанлик (18,7%), кўрқув (6,1%)

каби шикоятлар кузатилди. Бизнинг маълумотларга кўра, анемия РА бўғимдан ташқари етакчи белгиси бўлди. Анемия кузатувдаги 164 нафар беморларга хос бўлди (76,6%) (1-жадвал).

1-жадвал


РА беморларнинг клиник-функционал тавсифи

Белгилар	n, M±m	%
Беморлар сони	214	100,0
Бўғим синдроми		
Учтадан ортиқ бўғимлар артрити (%)	214	100,0
Бўғимларда эрталабки карахтлиқ давомийлиги, дақиқа	145,2±3.4	
Қўл кафти бўғимлари артрити (%)	214	100%
Симметрик артрит (%)	214	100%
Оғриқли бўғимлар сони	25,2±0,6	
Шишган бўғимлар сони	15,9±0,4	
ЭЧТ, мм/с	32,52±1,19	
Оғриқ, ВАШ, см	5,1±0,1	
R°-босқичлар:		
I (%)	12	5,6
II (%)	118	55,1
III (%)	79	37,0
IV (%)	5	2,3
Ревматоид тугунчалар	49	22,9
Ревматоид омил (%)	127	59,3
DAS28:		
< 2,6 (%)	15	7,0
2,6 — 3,2 (%)	53	24,8
3,2 — 5,1 (%)	106	49,5
> 5,1 (%)	40	18,7
БФЕ:		
0	3	1,4
I (%)	17	7,9
II (%)	90	42,1
III (%)	91	42,5
IV (%)	13	6,1
HAQ:		
< 1-20(%)	0	
21-40(%)	125	58,4
41-60 (%)	89	41,6

Беморлардан йиғилган маълумотларга кўра, касалликнинг белгилари ўртача $34,4 \pm 2,11$ ёшда пайдо бўлган. Уларни пайдо бўлишидан то якуний ташхис тасдиқлангунча кўпчилик беморларда узоқ муддат ўтди ва ўртача вақт 12 ойни ташкил қилган. Бунинг асосий сабаби турли хил шифокорлар назоратида бўлишидир. Бирламчи муружатда РА ташхиси қўйилиши атиги 54 нафар (25,2%) беморларда бўлди. Кўпчилик беморларга ревматизм, реактив артрит, қиёсланмаган артрит ва остеоартроз ташхиси тахмин қилинди.

Ўз навбатида, беморларда эрталабки қарахтлик ўртача $145,2 \pm 3,4$ дақиқа давом этган, ЭЧТ миқдори эса – $32,52 \pm 1,19$ мм/с бўлган. Шунини таъкидлаш лозимки, барча (100%) беморларда симметрик артрит, жумладан 3 тадан ортиқ бўғимларни зарарланиши кузатилган. Шу билан бир қаторда, барча беморларда (100%) қўл қафтини зарарланиши кузатилиб, оғриқли бўғимлар сони ўртача - $25,2 \pm 0,6$, шишган бўғимлар $15,9 \pm 0,4$ та бўлди.

Адабиётлардан маълумки, РАда анемиянинг бир неча турлари кузатилиши мумкин. Жами 214 РА беморлардан 50 нафаридан анемия кузатилмади, 164 нафар беморларда эса анемиянинг турли даражалари ва шакллари аниқланди. Бизнинг тадқиқотимизда 164 нафар РА анемияси мавжуд бўлган беморларнинг 94 нафаридан (57,3%) сурункали касалликлар анемияси (СКА), 65 нафар (39,6%) беморларда темир танқислик анемияси (ТТА), 5 нафар (3,1%) беморларда эса уларнинг аралаш тури кузатилди (1-расм).



Расм 1. Асосий гуруҳ беморларда анемияни турлари ва учраш даражаси

Хар бир турда анемия даражаларини таҳлил қилганимизда РА ТТА мавжуд бўлган беморларда статистик ишонарли анемиянинг 1- даражаси 73,8% беморларда кузатилди, 2- даражаси эса 23,1% да учради. РА СКА мавжуд бўлган беморлар гуруҳида анемиянинг 1- даражаси атиги 11,7%, 2-

даражаси – 55,3%, 3- даражаси – 28,7%, 4- даражаси эса – 4,3% беморларда учради, яъни бу турда анемияни оғир кечиши кузатилди. РА СКА ҳамда ТТА мавжуд бўлган гуруҳ беморларда анемия яна ҳам оғир кечди: анемиянинг 1- даражаси кузатилмаган бўлса, 2- даражаси 20% беморларда, 3- ва 4- даражаси эса бир хилда 40% беморларда учради. Шуларга мос равишда гематологик ва феррокинетик кўрсаткичларнинг ўзгариши кузатилди.

Ўзбек миллатига мансуб одамлар орасида гаптоглобин фенотип Нр 2-1 (50,0%) устун бўлса, Нр 1-1 частотаси ва Нр 2-2 15,0 ва 35% ни ташкил қилади (2-жадвал). РА беморларда Нр 1-1, Нр 2-1 ва Нр 2-2 фенотиплари учраш частотаси 19,6; 55,1 ва 25,2% ни ташкил қилди, яъни Нр 1-1 ва Нр 2-1 фенотиплари бир мунча устун бўлиб, Нр 2-2 фенотипи камроқ учради. Бундан ташқари, Нр 1-1 фенотипи аёл беморлар орасида кўпроқ учрайди (эркаклар билан нисбати - 1: 5,5).

Шуни айтиш жоизки, анемиясиз кечувчи РА беморларда Нр 1-1 фенотипи 34%да учраган бўлса, Нр 2-1 фенотипи 66%гача ортди, Нр 2-2 фенотипи эса учрамади. Анемия билан кечувчи беморларда эса Нр 1-1 фенотип юқоридаги гуруҳга нисбатан 2 марта кўп учради, Нр 2-2 фенотипининг учраши эса 28%гача кўтарилди. РАл беморларда СКА кузатилган беморларда Нр 1-1 фенотипи анемия кузатилмаган беморларга нисбатан энг кам фоизда (13,8%) учраган бўлса, Нр 2-1 фенотипини учрашининг пасайишга мойиллиги аниқланди, Нр 2-2 бўлган беморларнинг сони 31,9%гача ортди. ТТА бўлган беморлар гуруҳида Нр 1-1 фенотипи бўлган беморлар сони СКА бўлган беморларга нисбатан тахминан 2 марта кўпайди, Нр 2-2 фенотипинг учраши эса 20%гача ортди. Бу фенотипнинг энг кўп учраши эса РА+СКА+ТТА беморлар гуруҳида кузатилди (60%).

2 жадвал

РА беморларда гаптоглобин фенотипларини учраш частотаси

Гуруҳлар	Нр 1-1		Нр 2-1		Нр 2-2	
	n	%	n	%	n	%
Соғлом, n=20	3	15,0	10	50,0	7	35,0
Умумий РА, n=214	42	19,6	118	55,1	54	25,2
РА, n=50	17	34,0	33	66,0	0	0,0
РА+анемия, n=164	29	17,7	89	54,3	46	28,0
РА+СКА, n=94	13	13,8	51	54,3	30	31,9
РА+ТТА, n=65	15	23,1	37	56,9	13	20,0
РА+СКА+ТТА, n=5	1	20,0	1	20,0	3	60,0

Изоҳ: солиштирма гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишонarli ($P < 0,05$)

Демак, РА беморлар организмнинг фенотипик хусусиятлари анемияни ривожланишига мойилликни белгилайди, ҳамда қандай турдаги анемия ривожланиши мумкинлигини прогнозлаш имконини беради.

Гаптоглобин фенотипларини анемиянинг даражасига кўра тақсимланишини таҳлил қилганимизда Нр 1-1, Нр 2-1 ва Нр 2-2 фенотиплари 20,3; 61,0 ва 18,6%да учрашини кузатдик. Анемия оғирлашиб борган сари Нр 1-1 ва Нр 2-1 фенотипларини учраш частотасини камайиб бориши, Нр 2-2ни ортиши аниқланди. Демак, Нр 2-2 фенотип анемияни оғир кечишидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Анемия билан кечувчи ревматоид артрит билан касалланган беморларни даволаш**» деб номланган тўртинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчисида ревматоид артрит беморларни комплекс даволаш усуллари келтирилган. Иккинчи бўлимида ревматоид артрит беморларда анемияни даволаш самарадорлиги ҳақида фикр юритилган.

РА касалларни даволаш замонавий тиббиётнинг мураккаб муаммоларидан биридир. Даволаш усули РА шаклига, яллиғланиш жараёнининг фаоллик даражасига, касалликнинг босқичига, РА ривожланиш тезлигига, беморнинг ёшига ва қўшма касалликларга боғлиқ. РА беморларда терапевтик усулни танлашда биз патологик жараён фаоллигини, оғриқ даражасини, узоқ муддатли асосий дориларни қўллашни ва физиотерапевтик терапияни ўтказишни назарда тутдик.

Яллиғланишга қарши терапия стероид бўлмаган ва стероид яллиғланишга қарши дорилар билан ўтказилди. 192 нафар беморларга (89,7%) гормонал даво билан биргаликда ностероид яллиғланишга қарши дорилар (НЯҚД) буюрилди: ичишга (преднизолон) - 15 бемор, бўғим ичи инъекциялари (кеналок, дипроспан) - 8 бемор, парентерал - 11 бемор. Патологик жараённинг юқори ва ўрта даражадаги фаоллиги бўлган РА бўлган беморларда ёки бемор касалхонага ётқизилишидан олдин глюкокортикостероидлар (ГКС) қабул қилган бўлса, даволаниш гормонларни парентерал юбориш билан бошланди. Преднизолон, депомедрол, солимедролнинг бошланғич дозаси кунига 45-60 мг. Препаратлар вена ичига юборилди (100-200,0 мл физиологик эритма ёки 5% глюкоза эритмасига). Жараёнларнинг сони 2-4 тани ташкил этди. Кейин даволаниш ичишга ГКС тайинлаш билан давом эттирилди (кунига 10-15 мг дозада).

НЯҚД барча беморларга буюрилган. Препаратнинг суткалик дозасини танлаш патологик жараённинг фаоллик даражаси ва оғриқнинг оғирлигига қараб амалга оширилди. ЦОГ-1 ва ЦОГ-2 нинг тез-тез ишлатиб турадиган селектив бўлмаган ингибиторлари: арилацетил кислота ҳосилалари (волтарен, ортофен, диклофенак, диклонат, диклоберл), пропион кислотаси (ибупрофен, напроксен), эстродиол дорилар (артротек) ва селектив ЦОГ-2 ингибитори: нимесил, целебрекс, ациклофенак. НЯҚДни даволашда 43 беморда эпигастрал оғриқлар, кўнгил айниш, иштаҳанинг пасайиши, ошқозон ёниши, шиширади (гастропатия белгилари), 12 – аллергия тошмалар ва 8 – турли даражадаги қон кетиш.

Асосий дориларни танлашда беморларнинг ёши, касалликнинг давомийлиги ва патологик жараённинг фаоллиги даражаси ҳисобга олинган. Лефлунамид 61 беморга буюрилган, Делагил ва Плакенил 47 та беморга, салазопиридазин, сульфасалазин - 40 та беморга ва метотрексат - 66 та беморга буюрилган. Делагил ва сульфасалазин қабул қилинганда препаратларнинг ноўя таъсири кузатилмади, лекин метотрексат қабул қилганда эса 2 нафар беморда тери тошмаси қайд этилган. Беморларни даволаш натижаларини баҳолаш Россия Тиббиёт фанлари академиясининг Ревматология илмий-тадқиқот институти мезонларига мувофиқ амалга оширилди. Бундай ҳолда, беморларнинг умумий ҳолати, бўғимларнинг ҳаракатланиш фаоллиги ҳолати, артикуляр синдром ва лаборатория параметрларининг ўзгариши (ЭЧТ, С-реактив оксил, фибриноген ва бошқалар) ҳисобга олинган. Даволаш эффеќти яхши (4-5 балл), қониқарли (3 балл) ва қониқарсиз (2 бал) деб белгиланди. Даволашнинг таъсири ҳар бир гуруҳда гаптоглобин фенотипларига қараб алоҳида баҳоланди.

Анемиясиз кечувчи РА беморларнинг 14 нафари (28%) лефлунамид, 6 нафари (12%) – делагил, 19 нафари (38%) – метотрексат ва 11 нафари (22%) – сульфасалазин қабул қилган. Бу гуруҳда 17 нафар (34%) бемор НЯҚД қабул қилган бўлса, 33 таси (66%) – ГКС+НЯҚДлар қабул қилган. Анемия кузатилган асосий гуруҳ беморларнинг 47 нафари (28,7%) лефлунамид, 40 нафари (24,4%) – делагил, 48 нафари (29,3%) – метотрексат ва 29 нафари (17,7%) – сульфасалазин қабул қилган. Бу гуруҳда атиги 8 нафар (4,9%) бемор НЯҚД қабул қилган бўлса, 156 таси (95,1%) – ГКС+НЯҚДлар қабул қилган, яъни ГКС қабул қилувчилар 1,46 марта кўп бўлган ва касалликни оғир кечишидан далолат беради.

Анемияни даволаш мақсадида биз унинг келиб чиқиш негизига ва анемиянинг даражасига кўра даво муолажаларини олиб бордик. жумладан, РА ТТА мавжуд бўлган барча 65 нафар (100%) беморларга темир тутувчи препаратлар буюрилди. РА СКА бўлган 95 беморлардан 21таси (22,1%) эритропоетин ва темир препаратлари қабул қилган бўлса, қолган 74 нафари (77,9%) фақат эритропоетин буюрилди, РА СКА ва ТТА мавжуд бўлган 5 нафар (100%) беморларнинг барчасига эритропоетин ва темир препаратлари буюрилди. Барча препаратлар ёшга ва анемия даражасига кўра стандарт усул ва миқдорларда қабул қилиш буюрилди. Даволаш муолажалари 3 ой давомида ўтказилди. Даволашнинг самарадорлиги гематологик кўрсаткичларнинг силжиши билан баҳоланди.

Ўтказилган тадқиқотлар анемиясиз кечувчи РА беморларда даво муолажаларини ўтказиш гематологик кўрсаткичларга кўпам таъсир этмади (3-жадвал). Биз фақат ишонарли ЭЧТ 1,23 ($P<0,05$) марта пасайганини кузатдик, лекин, шунга қарамай, бу кўрсаткич 1,66 ($P<0,001$) марта юқорилигича сақланиб қолганини кузатдик.

Анемия билан бирга кечадиган РА беморларда антианемик даво муолажаларини ўтказиш ишонарли гемоглобинни 1,06 ($P<0,05$) марта оширган бўлсада, меъёрий кўрсаткичлардан 1,31 ($P<0,001$) пастлигича сақланиб қолди. Эритроцитлар сонини ортишига мойиллик кузатилди, аммо

меъерий кўрсаткичлардан 1,34 ($P<0,001$) марта пастлигича сақланиб қолди. Ўта юқори бўлган ЭЧТ кўрсаткичи даво муолажаларидан сўнг 1,42 ($P<0,001$) марта пасайишига олиб келса ҳам 2,57 ($P<0,001$) марта меъерий кўрсаткичлардан юқорилигича сақланиб қолди.

Юқорида қайд қилганимиздек, анемиянинг тури ва даражасига кўра даволаш муолажаларини олиб бордик. СКА бўлган РА беморларда эритропоезин ва баъзан уни темир препаратлари билан биргаликда ўтказилган даво муолажалари гемоглобин миқдорини 1,07 ($P<0,05$) марта оширди, аммо меъерий кўрсаткичлардан 1,38 ($P<0,001$) марта пастлигича сақланиб қолди. Бу гуруҳда юқори бўлган ЭЧТ 1,43 ($P<0,001$) марта пасайган бўлсада, соғлом гуруҳ кўрсаткичларидан 2,79 ($P<0,001$) марта юқорилигича сақланиб қолди.

3 - жадвал

РА беморларнинг гематологик кўрсаткичларини динамик ўзгаришлари, $M\pm m$

Гуруҳлар	Нб, г/л	Эритроцитлар сони, $\times 10^{12}/л$	Лейкоцитлар сони, $\times 10^9/л$	ЭЧТ, мм/соат
Соғлом гуруҳ, n=20	124,3 \pm 5,8	4,5 \pm 0,7	6,8 \pm 0,72	9,4 \pm 0,9
РА, n=50	<u>117,45+1,09^a</u> 117,45+1,09	<u>3,92+0,07^a</u> 3,89+0,07	<u>6,17+0,23</u> 6,31+0,23	<u>19,25+1,94^a</u> 15,6+1,25 ^{a,б}
РА+анемия, n=164	<u>89,73+0,99^a</u> 94,90+0,83 ^{a,б}	<u>3,28+0,03^a</u> 3,35+0,03 ^a	<u>6,03+0,06</u> 6,05+0,06	<u>34,14+1,26^a</u> 24,12+0,81 ^{a,б}
РА+СКА, n=95	<u>84,28+0,99^a</u> 90,03+0,83 ^{a,б}	<u>3,14+0,04^a</u> 3,23+0,03 ^a	<u>5,93+0,09</u> 5,95+0,08	<u>37,61+1,62^{a,б}</u> 26,27+1,08 ^{a,б}
РА+ТТА, n=65	<u>99,31+1,13^a</u> 103,03+1,02 ^a	<u>3,52+0,03^a</u> 3,55+0,03 ^a	<u>6,14+0,09</u> 6,18+0,09	<u>28,88+1,89^a</u> 20,86+1,16 ^{a,б}
РА+СКА+ТТА, n=5	<u>67,60+6,87^a</u> 80,40+5,11 ^{a,б}	<u>2,74+0,23^a</u> 2,86+0,18 ^a	<u>6,34+0,20</u> 6,10+0,20	<u>37,40+7,72^a</u> 26,20+4,45 ^{a,б}

Изоҳ: 1) суратда даводан олдинги кўрсаткичлар, махражда даводан сўнг кўрсаткичлар; 2) а – соғломлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишонарли, б – даволашдан олдинги кўрсаткичларига нисбатан ишонарли.

ТТА бўлган РА беморларда асосан темир препаратлари билан ўтказилган даво муолажалари гемоглобин миқдори ва эритроцитлар сони кўтарилишига мойиллик кузатилди, меъерий кўрсаткичлардан 1,21 ($P<0,001$) ва 1,27 ($P<0,001$) марта пастлигича сақланиб қолди. Бу гуруҳда юқори бўлган ЭЧТ 1,38 ($P<0,001$) марта пасайган бўлсада, соғлом гуруҳ кўрсаткичларидан 2,22 ($P<0,001$) марта юқорилигича сақланиб қолди.

